



REMOVAL FROM OFFICE IN CRIMINAL PROCEEDINGS IS THE CONCEPT OF A PROCEDURAL COERCIVE MEASURE AND THE PROCEDURE FOR ITS IMPLEMENTATION

A.A.Khamidov

Current reserve of personnel of the Ministry of Internal Affairs Senior Lieutenant

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11104507>

ARTICLE INFO

Received: 24th April 2024

Accepted: 29th April 2024

Online: 30th April 2024

KEYWORDS

Procedural coercion, removal, remedy, criminal case, trial, defendant, and defendant.

ABSTRACT

This article describes the procedure for its implementation, reflecting on the content and essence of the procedural coercion measure of removal from office and the Socio-Legal need. Also, proposals and recommendations have been developed to improve the measure of compulsory citation procedural coercion.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИСИДА ЛАВОЗИМДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИ ТУШУНЧАСИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

A.A.Хамидов

Ички ишлар вазирлиги кадрларининг амалдаги захираси катта лейтенант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11104507>

ARTICLE INFO

Received: 24th April 2024

Accepted: 29th April 2024

Online: 30th April 2024

KEYWORDS

Процессуал мажбурлов, лавозимдан четлаштириш, чора, жиноят иши, суд, айбланувчи ва судланувчи.

ABSTRACT

Ушбу мақолада лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чорасининг мазмун-моҳияти ва ижтимоий-ҳуқуқий зарурати бўйича фикр-мулоҳазалар юритилиб, уни амалга ошириш тартиби баён қилинган. Шунингдек, мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чорасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик нормаларида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар¹нинг қабул қилинганлиги ва амалиётга жорий этилганлигини фикримизни исботидир.

Жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этиш, унга суиқасд қилиш ёки содир этишга тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисидаги ариза ва хабарларни текшириш ҳамда тегишлича жиноятни аниқлаш, унда айбли шахсларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // <https://www.lex.uz/>



фош этиш ва айб учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш демократик-хуқуқий давлат органларининг муҳим вазифаларидан биридир. Жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш, шунингдек ишни судда мазмунан ҳал этиш бир қатор қонуний чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди. Шу жумладан, ишнинг адолатли ва ҳолисона ҳал этилишини таъминлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллашига тўғри келади.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ, шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказган, яъни, жиноят содир этган шахсларга нисбатан давлат томонидан белгиланган тартибда ва шаклда таъсир чоралари тегишли органларнинг мансабдор шахслари томонидан мажбурий тартибда қўлланиши мумкин. Ушбу ҳолатда давлат процессуал мажбурловининг шакли бўлган процессуал мажбурлов чоралари қўлланилади. Ушбу мажбурлов чораларини қўллашдан асосий мақсад процесс иштирокчиларининг зиммасидаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ҳамда жиноят ишларини қонуний ҳал этиш учун зарур бўлган шароитларни яратишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, “Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.”, - деб таъкидланган. Ушбу конституциявий қоида умумеътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларда ҳам алоҳида банд сифатида белгиланганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Жумладан, 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”нинг 9-моддасида “Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқлар фақатгина суд қарори орқалигина чекланиши мумкин” лиги, - қайд этилган.

Айтиш мумкинки, муайян бир жиноят ишини юритишда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини турли даражада чекловчи мажбурлов чоралари қўлланилади. Чунки, мазкур чораларни қўлламасдан адолат мезонига эришиб бўлмайди. Содир этилган жиноят учун тайинладиган жазо чоралари инсоннинг табиий ҳуқуқларини жиддий даражада чеклайди. Шахсининг айбдорлиги ўз исботини топган ҳолларда эса суд қарорига асосан жиноий жазо чораларини қўллаш давлатнинг адолатли ва асосланган ҳаракатларидан бири ҳисобланади. Бундай ҳолларда давлат инсон ҳуқуқларини чеклашга нафақат ҳақли, балки мажбур ҳам ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, **процессуал мажбурлов чоралари деганда**, жиноят процессуал қонунчиликда назарда тутилган мажбурлов хусусиятидаги воситалар тушунилиб, улар жиноят иши юритилиши учун масъул бўлган давлатнинг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари томонидан фақатгина қонунда белгиланган тартибда ва асослар мавжуд бўлган тақдирдагина қўлланилади. Жиноят-процессуал мажбурлов чоралари, қонун талабларини бажармайдиган шахсларга нисбатан ёки муайян ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун давлат мажбурловини қўллаш имкониятини назарда тутди.



Шу сабабли, муайян шахслар хулқ-атвориға таъсир этиш усуллари сифатида қўлланиладиган процессуал мажбурлов чоралари “Жиноят-процессуал мажбурлов чоралари” - деб, аталади. Процессуал мажбурлов чоралари давлат функцияларининг ажралмас қисми сифатида қонун устуворлигини амалга оширишни таъминлаш учун мўлжалланган.

Жиноят процессуал қонунчилигида белгиланган ҳолатларда давлатнинг мажбурлаш чоралари, шунингдек, уларнинг ёрдами билан процесс иштирокчиларининг жиноят процесси манфаатларини кафолатлаши учун тўғри хатти-ҳаракатларини таъминлаш мақсадида тарбиявий ва тушунтириш характеридаги чоралардан қатъий назар қўлланилади. Процессуал мажбурлов чоралари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сезиларли даражада чеклаш билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, жиноят процессида фақат қонун билан қатъий белгиланган ҳолларда, қонунийлиги ва унинг қўлланилишининг асослилиги кафолатланган тақдирда, йўл қўйилади.

Жиноят-процессуал мажбурлов чоралари - бу иш бўйича иш юритаётган органларнинг жиноят процессуал қонунчилигида кўзда тутилган қарорлари ва ҳаракатлари бўлиб, процесснинг бошқа иштирокчиларининг ўз хоҳишларига қарши ҳуқуқларини чеклайди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК)нинг тўртинчи бўлимида процессуал мажбурлов чоралари белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ушлаб туриш;
- эҳтиёт чоралари;
- паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш;
- **лавозимдан четлаштириш**;
- мажбурий келтириш;
- шахсни тиббий муассасага жойлаштириш;
- процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш;
- суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик².

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини бирор даражада чекланиши мажбурлов ҳисобланиб, у ижтимоий таъсир кўрсатишнинг аниқ, ўткир ва қатъий воситасидир. Процессуал мажбурлов инсоннинг ҳар хил кўринишдаги эркинликларини чеклаб, унга давлат томонидан таклиф этилаётган шароитдан бошқа ҳолатларни танлаш имкониятини қолдирмайди. Шундай бўлса-да, мажбурлов ҳуқуқни тартибга солиш механизмнинг зарурий элементиدير. **Процессуал мажбурлов** - давлатнинг ваколатли органлари ва мансабдор шахсларининг шахс, жамият ва давлат манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга бўйсундириш (мажбурлаш) мақсадида шахсга нисбатан руҳий, моддий ва жисмоний таъсир ўтказишдир.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).



Жиноят-процессуал мажбурлов деганда, жиноят процессининг вазифалари самарали рўёбга чиқарилишини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга таъдид туғдирувчи ноқонуний қилмишларнинг олдини олиш мақсадида, қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда ва белгиланган тартибда ваколатли субъектлар томонидан жиноят процессининг иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган шахсий, мулкӣ ва ташкилий тавсифдаги ҳуқуқий чекловлар кўринишидаги давлатнинг таъсир чоралари йиғиндиси тушунилади³.

Жиноят процессида қўлланиладиган мажбурлов чоралари қонуннинг бажарилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий мажбурлов чораларининг тури сифатида фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда, шахсга нисбатан ишонтириш чораси фойда бермаган вақтда қўлланилиши мумкин. Мажбурлов деярли барча ҳолларда жисмоний куч ишлатишни эмас, шахснинг ҳохишига қарши, унинг манфаатларига зид равишда кўриладиган чора-тадбирлардан иборат бўлади.

Жиноят ишлари бўйича суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориш ва ишни судда кўриш вақтида жиноят содир этган шахс ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши, одил судловдан бўйин товлашга ва шу мақсадда жиноятни холисона тергов қилиш ва судда кўриб чиқишга монелик қилишга ҳаракат қилиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этишни ташкил этиш ҳамда одил судловни таъминлаш мақсадида қонун чиқарувчи суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларига жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов тартибини бирма-бир тартибга солади ва уларни қўллаш ҳолатларини ҳам назарда тутди. Бундай процессуал мажбурлов чораларидан бири жиноят содир этишда айбланаётган ва судланаётган шахсларни лавозимдан четлаштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 255-моддасида **айбланувчи ва судланувчини лавозимдан четлаштириш асослари ва муддатлари** кўрсатилган бўлиб, унга кўра, “Башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик қилади ёхуд жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, улар лавозимидан четлаштирилиши мумкин⁴” деб белгилаб ўтилган.

Мазкур моддада жиноят иши бўйича айбланувчи деб эътироф этилган шахслар ва судланувчиларни лавозимидан четлаштириш процессуал мажбурлов чораси тергов ҳаракатлари давомида ва суд иш юритуви давомида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш учун асос бўлган ҳолатлар бекор бўлгунига қадар ўтган вақт мобайнида қўлланилиши лозимлиги, мажбурлов чораси қўлланилиши лозим бўлган процесс иштирокчилари доираси чекланган эканлиги, ушбу мажбурлов чораси фақатгина айбланувчи деб эътироф этилган шахслар ва судланувчига нисбатан қўлланилиши мумкинлиги, бевосита лавозимдан четлаштириш тегишли суд ажрими томонидан ҳал этилиши қайд қилиб ўтилган.

³ Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, професор М.А.Ражабова таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018. – Б. 256.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).



Жиноят процессуал ҳуқуқида ҳар бир атаманинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш ва тушуниб етиш учун авваломбор атаманинг ўзбек тилида қўлланишидаги том маъносини, яъни этимологик жиҳатдан маъносига эътибор қаратиш ўринли деб ҳисоблаймиз. А.Мадвалиев таҳрири остидаги ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Четлаш” сўзи узоқлашмоқ, ётлашмоқ, бегоналашмоқ, иштирок этмай қатнашмай қўймоқ, узоқлашмоқ⁵ маъноларини ифодалайди. Шунга кўра “четлаштириш” сўзи ихтиёрсиз бажарилиши, яъни шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бошқа шахс томонидан бирон-бир иш ёки юмушдан четлатилганлиги⁶ маъносида ифодаланган.

“Лавозим” сўзи эса муассаса, ташкилот ва идораларда бирон-бир расмий вазифани бажариш билан боғлиқ бўлган ўрин (штат), вазифа ўрни, амал, мансаб маъноларини ифодалаши кўрсатилган⁷. Демак, “Лавозим” сўзи шахс томонидан ҳақ ёки ойлик иш ҳаққи олиш имконини берувчи ва маълум вазифаларни бажаришга мўлжалланган иш ўрни маъносида ифодаланади.

Лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чорасининг бир қатор ўзига хос умумий ва хусусий жиҳатлари мавжуд бўлиб, умумий жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

- махсус ваколатли давлат органи томонидан қўлланиладиган мажбурлов чораси;
- етарли асослар бўлгандагина қўлланилади;
- лавозимдан четлатилаётган шахснинг жиноят содир этганлиги тўғрисида асосли шубҳалар мавжуд бўлади;

Бундан ташқари, унинг қуйидаги хусусий жиҳатлари мавжуд:

- мажбурлов чорасини қўллаш учун бир нечта дифференциаллашган асослар белгиланган;
- лавозимдан четлаштириш турли давлатларда турли субъектлар томонидан қўлланилади. Масалан, бир давлатда прокурор томонидан қўлланилса, бошқа давлатларда суд томонидан қўлланилади;
- мажбурлов чорасининг мазмуни турлича белгиланган. (муайян лавозимни эгалламаслик, мансаб ваколатларини бажармаслик, муайян фаолият билан шуғулланмаслик);
- мажбурлов чораси қўлланилганлиги устидан шикоят қилиш тартиби белгиланган;
- мажбурлов чорасини қўллашнинг ҳуқуқий оқибатлари қайд этилган.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, касб танлаш, қулай иш шaroитларини талаб қилиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга”, - эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ушбу норма Конституциямизнинг **42-моддасида** ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, хусусан, унга кўра ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш,

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. <http://n.ziyouz.com>.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. <http://n.ziyouz.com>.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. <http://n.ziyouz.com>.



шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 29-боби лавозимдан четлаштириш мажбурлов чорасига бағишланган бўлиб, ушбу турдаги мажбурлов жиноят-процессуал мажбурлов чоралари орасида алоҳида ўрин тутати. Яъни, шахс ва фуқаронинг меҳнат ҳуқуқларини бевосита чеклайди. Айтиш жоизки, ушбу мажбурлов чораси фақат мансабдор шахсларга эмас, балки ҳар қандай тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Мазкур процессуал мажбурлов чораси эҳтиёт чораларига жуда яқинлашади, лекин у процессуал мажбурлов чораларининг мустақил тури ҳисобланади. Чунки у эҳтиёт чораларига мансуб бўлган эркинлик ва шахсий дахлсизликни эмас, балки фаолият тури ва касб танлаш каби конституциявий ҳуқуқни чеклайди холос.

Жиноят-процессуал қонунчилик айбланувчи ёки судланувчини мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай корхона ва ташкилотда (давлат, хусусий) эгаллаб турган ҳар қандай лавозимидан четлаштириш мумкинлиги белгилаб беради. Лавозимдан четлаштириш вақтинча қўлланадиган чора бўлиб, у фақат дастлабки тергов ва судда муҳокамаси даврида қўлланилади.

Лавозимдан четлаштириш ўз табиатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 47-моддасида назарда тутилган **хизмат бўйича чеклашга** ҳам қисман ўхшайди, лекин улар қўлланиш мақсадлари бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади.

Хизмат бўйича чеклаш **жазо чораси** бўлиб, у фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилса, лавозимдан четлаштириш ҳар қандай айбланувчи, судланувчига нисбатан қўлланадиган процессуал мажбурлов чораси ҳисобланади.

Лавозимдан четлаштириш мажбурлов чорасини қўллаш бир нечта процессуал босқичларни ўз ичига олган бўлиб, уни қўллаш амалдаги қонунчилик нормаларига асосан, суд тартибида амалга оширилади[

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги масала дастлабки тергов ва суриштирув органи томонидан, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги масала эса жиноят иши кўрилатган тегишли суд томонидан ЖПКнинг 423, 438-моддалари тартибида ҳал қилинади.

Ушбу мажбурлов чораси айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш мажбурлов чорасини қўллаш учун асос бўлган юқорида қайд этилган ҳолатлар бекор бўлгунига қадар ўтган вақт мобайнида амалда бўлади ёхуд қўлланилади.

Ушбу мажбурлов чорасини бекор қилишда уни қўллаган судни хабардор қилиш лозим бўлади. Бунда, лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси ушбу қарорни чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан бекор қилинади.

Суд органлари тегишли қоидалар бузилганда ёки ушбу мажбурлов чорасини қўллаш учун асослар етарли бўлмаган тақдирда ёки лозим бўлмаганда айбланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашни рад қилиши ва бу тўғрида ажрим чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда, айнан мазкур айбланувчига нисбатан шу масала бўйича такроран судга мурожаат қилиш мумкин. Бироқ, бунда лавозимдан четлаштириш учун асос бўладиган янги ҳолатлар юзага келган бўлиши талаб этилади.



Айбланувчини лавозимидан четлаштириш учун асослар мавжуд бўлганда прокурор, терговчи ва суриштирувчи айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда: лавозимидан четлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг иш жойи; лавозимдан четлаштириш асослари кўрсатилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Суриштирувчининг, терговчининг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар тегишли туман-шаҳар прокурорига юборилади.

Прокурор айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилиги ва қонунийлигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни ўз имзоси ва муҳр билан тасдиқлаб, ушбу қарор ва зарур материалларни судга юборади.

Лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома суриштирув ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқилади. Ушбу суд мажлиси ёпиқ бўлганлиги сабабли иштирок этувчилар тоифаси чекланади.

Суд мажлисида прокурор, айбланувчи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи ва қонуний вакил иштирок этади. Зарур бўлганда суриштирувчи, терговчи судга қақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Сўнгра айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Судья айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида ёки айбланувчини лавозимидан четлаштиришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.



Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажримда: лавозимидан четлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг иш жойи; лавозимдан четлаштириш асослари; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига қўйиладиган талаб кўрсатилади.

Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштиришни рад қилиш ҳақидаги ажрим асослантирилган бўлиши керак.

Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрим у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ажрим тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига ижро учун, прокурорга, айбланувчига, ҳимоячига эса маълумот учун тақдим этилади.

Судьянинг ушбу модда биринчи қисмида назарда тутилган ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, лавозимидан четлаштирилган айбланувчи ишлаган тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажримни чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд қирқ саккиз соат ичида уларни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Шикоят ёки протест бериш суднинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрим ижросини тўхтатиб қўймайди. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрим билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилиш ва айбланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашга ёки мазкур процессуал мажбурлов чорасини бекор қилишга ҳақли.

Суднинг айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрим корхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, раҳбар ажримни олиши билан дарҳол уни ижро этиши ҳамда бу ҳақда суриштирувчини, терговчини, прокурорни ва судни хабардор қилиши шарт.

ЖПКнинг 260-моддаси, лавозимдан четлаштирилаётган шахсларнинг ҳуқуқий кафолатларидан бири бўлиб, унга мувофиқ, шахснинг лавозимидан қонунга ҳилоф равишда четлаштирилгани оқибатида етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра тугатилган бўлса, тўла ҳажмда қопланиши қайд етилган. Мазкур норма мамлакатимизда ҳуқуқ соҳаларининг инсон ҳуқуқларини қай даражада юксак қадирлашини, инсон қадри ҳар қандай ҳолатда ҳам улуғланишини кўрсатади.



Судланувчига нисбатан суд томонидан айблов ёки оқлов ҳукми чиқарилганда унга нисбатан қўлланилган лавозимдан четлаштириш мажбурлов чораси бекор қилинади ва бу суд ҳукмининг қарор қисмида кўрсатиб ўтилади.

Шуни таъкидлаш керакки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда айбланувчи, судланувчини лавозимидан четлаштириш учун аниқ асослар белгиланмаган. Яъни, ЖПКнинг 255-моддасида кўрсатилган асослар жумладан, айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик қилиши ёхуд жиноий фаолиятини давом эттириши каби асослар барча мажбурлов чоралари учун умумий бўлиб, мажбурлов чораларининг алоҳида турларида масалан, лавозимдан четлаштиришда мазкур асослар айрим тарзда белгиланмаган. Чунки, ушбу мажбурлов чорасини қўллаш асослари алоҳида-алоҳида қайд этилиш лозим.

Бизга маълумки, ЖПКнинг 255-моддасида айбланувчи ва судланувчини лавозимидан четлаштириш асослари ва муддатлари қайд этилган бўлиб, бунда фақатгина муайян лавозимга эга бўлган шахслар назарда тутилган.

Бироқ, жиноят иши бўйича айбланувчи деб эътироф этилган шахс ва судланувчи муайян лавозимда ёки иш жойида қолиш орқали эмас, балки, муайян фаолият билан шуғулланиши натижасида (масалан, тадбиркорлик фаолияти) ҳам жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва жиноят натижасида етказилган зарарни бартараф этишга тўсқинлик қилиши ёки ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириши мумкин.

Шундай бўлса-да, ЖПКда ушбу мажбурлов чораси муайян лавозимга эга бўлган шахслар доираси билан чегаралаб қўйилган.

Шунга асосан мазкур мажбурлов чорасига оид ЖПКнинг 29-боби “лавозимдан четлаштириш” ўрнига “лавозимдан ёки муайян касбий ёхуд бошқа фаолиятдан вақтинча четлаштириш” деб баён этилиши тавсия этилади.

Бундан ташқари, лавозимдан четлаштириш мажбурлов чораси қўлланилган шахсга ёхуд унинг оиласига нисбатан ушбу мажбурлов чораси қўлланилган давр мобайнида зарур бўлган ижтимоий таъминот билан таъминлаш масалалари қонунчиликда қайд этилмаган. Бу эса, ягона боқувчи бўлган шахсга нисбатан ушбу чора қўлланилган вақтда унинг ўзи ёхуд оиласини зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни имконсиз қилиб қўйиши мумкин.

Шунга қўра, бу ҳолатни бартараф этиш мақсадида ЖПКга лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чораси қўлланилган даврда айбланувчи ва судланувчига ҳамда уларнинг оила аъзоларига ижтимоий кафолатлар тақдим этилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ўзгартиришлар лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чорасини такомиллаштириш билан бирга, ушбу мажбурлов чорасини оптималлаштириш ва либераллаштиришга ва жиноят ишлари доирасида ҳақиқатни аниқлаш ва қонун устуворлигини таъминлашга ёрдам беради.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // <https://www.lex.uz/>



2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
3. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 256.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. - Б. 347, 552. // <http://n.ziyouz.com>.
5. Қушбоқов, Ш., & Самадов, М. (2023). Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни. *Science and innovation in the education system*, 2(13), 73-76.
6. Қушбоқов, Ш., & Самадов, М. (2023). Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими. *Solution of social problems in management and economy*, 2(13), 95-98.
7. Қушбоқов, Ш. (2022, September). Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни. In *Международная конференция академических наук* (Vol. 1, No. 27, pp. 16-20).
8. Qushboqov, S., & Mamatova, D. (2023). yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rnini. *current approaches and new research in modern sciences*, 2(10), 37-39.
9. Qushboqov, S., & Tilabov, S. (2023). Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbuzarlik profilaktikasining roli. *Science and innovation in the education system*, 2(11), 45-47.
10. Қушбоқов, Ш., & Ҳосилжонов, М. (2023). Оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигини малакалашдаги муаммолар. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 2(9), 29-31.



№ EJLFAS2404-000341

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION AKADEMIYA
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI**

DIPLOM

Ushbu diplom «Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences» xalqaro ilmiy jurnali (ISSN: 2181-2853) 2024 yil 4-sonida nashr etilgan quyidagi ilmiy maqolaga mualliflik qilganligi uchun berildi:

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИСИДА ЛАВОЗИМДАН
ЧЕТЛАШТИРИШ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИ
ТУШУНЧАСИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

Maqola nashr etilgan sana:
Maqola muallif(lar)i:

30.04.2024
А.А.Хамидов

«Innovative
Academy RSC» MChJ



Platforma guvoohnoma
raqami: 1206-son

МА'ЛУМОТНОМА

Maqola nomi: ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИСИДА ЛАВОЗИМДАН
ЧЕТЛАШТИРИШ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИ ТУШУНЧАСИ
ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

Maqola muallif(lar)i: А.А.Хамидов

Jurnal nomi: Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences

1. Universal impact factor: 8.3

OAK ro'yxatida 43-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli Gruziya
xalqaro jurnallar ko'rsatkichi

2. Scientific journal impact factor: 7.984

OAK ro'yxatida 23-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqaro
jurnallar ko'rsatkichi

3. Citefactor:

OAK ro'yxatida 16-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqaro
jurnallar ko'rsatkichi

4. Crossref

OAK ro'yxatida 35-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli
xalqaro jurnallar ko'rsatkichi

5. Directory of Research Journals Indexing:

OAK ro'yxatida 15-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqaro
ilmiy baza bo'lib, 135 davlatda keng qo'llaniladi.

6. Scientific Indexing Service:

OAK ro'yxatida 19-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqaro
ilmiy baza

7. IJIFACTOR Indexing:

Hindistonning nufuzli jurnallar ko'rsatkichi aks etgan xalqaro
ilmiy platformasi

8. Internet Archive:

Yevropa ilmiy platformasi bo'lib, 100 ga yaqin davlatlarda
keng foydalaniladi.

9. Base Search:

Germaniya ochiq siyosat tizimiga asoslangan nufuzli xalqaro
jurnallar qidiruv platformasi

10. Zenodo:

Yevropa ochiq ma'lumotlar tizimiga asoslangan xalqaro ilmiy
bazasi

11. Open Aire:

35 dan ortiq mamlakatda keng qo'llaniladigan Yevropa ilmiy
platformasi

12. Google Scholar:

Olimlar h-indeks va iqtibosligini ko'rsatuvchi asosiy ilmiy
baza hisoblanib, 200 dan ortiq davlatda foydalaniladi.

13. DOI: Maqolaning unikal raqamli identifikatori

14. Open Access: Jurnallar ochiq siyosat tizimi



Jurnal guvohnomasi
Tekshirish uchun
parol: 3565

CERTIFICATE

OF PUBLICATION

UIF = 8.3
SJIF = 7.984

This certificate is presented to

А.А.Хамидов

in recognition of the paper publication of
the research paper on Eurasian Journal of
Law, Finance and Applied Sciences(EJLFAS)
with the title:

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИСИДА ЛАВОЗИМДАН ЧЕТЛАШТИРИШ
ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИ ТУШУНЧАСИ ВА
АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

Vol. 4 No. 04 (2024): EJLFAS

30.04.2024

DATE



CHIEF EDITOR

